



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада
сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини
шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш
тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритиш хақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол килиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2017 йил 20 июлдаги 85 ва 2017-33-сон қарори билан тасдикланган (рўйхат рақами 2902, 2017 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 749-модда) Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин:

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш,

2018 йил “28” СЕНТЯБР


2018-сон

**Давлат солик қўмитаси раисининг
биринчи ўринbosari**

Тошкент ш,

2018 йил “28” СЕНТЯБР

2018-3-сон


Д. Кучкаров


Б. Мусаев



Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солик
қўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги
129 ва 2018-73-сон қарорига
ИЛОВА

**Республика истеъмолчилариға электр энергияси ва табиий газни
миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини
ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси
сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган қўшимчалар**

1. 6-бандда “қайта ҳисоб-китоб қилинади” деган сўзлардан кегин “ёки ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Кўйидаги мазмундаги 6¹ ва 6²-бандлар билан тўлдирилсин:

“6¹. Ортиқча (хато) ўтказилган маблағларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилиш қуийдаги тартибда амалга оширилади.

Истеъмолчилар, электр энергияси ва табиий газ учун ортиқча (хато) ўтказилган маблағларни қайтариш юзасидан “Ўзбекэнерго” АЖ ёки “Ўзтрансгаз” АЖга ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига ёзма ёки электрон шаклда (“Ўзбекэнерго” АЖ ёки “Ўзтрансгаз” АЖнинг расмий веб-сайти) ариза (бундан буён матнда ариза деб юритилади) билан мурожаат қиласи.

Истеъмолчиларнинг мазкур аризасига асосан “Ўзбекэнерго” АЖ ёки “Ўзтрансгаз” АЖнинг ҳудудий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлими томонидан электр энергияси ёки табиий газ учун ортиқча (хато) тўланган маблағларни қайтариш тўғрисида далолатнома тузилади ҳамда мазкур бўлинмаларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари томонидан имзоланади.

Ортиқча (хато) тўланган маблағларни қайтариш тўғрисида далолатнома икки иш куни ичида “Ўзбекэнерго” АЖ ёки “Ўзтрансгаз” АЖга тақдим этилади.



Худудий бўлинмалар томонидан тақдим этилган далолатномалар асосида, бир иш куни ичида “Ўзбекэнерго” АЖ ёки “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан истеъмолчиларнинг ортиқча (хато) тўланган пул маблағларини қайташ тўғрисидаги далолатномалар рўйхати тузилади ва мазкур рўйхат Жамғармага тақдим қилинади.

Жамғарма, тақдим этилган рўйхат асосида икки иш куни давомида “Ўзбекэнерго” АЖ худудий бўлинмаларининг маҳсус ҳисобварагига (22604) ёки “Ўзтрансгаз” АЖнинг асосий ҳисобварагига (20210) мазкур Низомнинг 6²-бандида келтирилган формулага мувофиқ ҳисоб-китоб қилиб, ортиқча (хато) тўланган маблағларни қайтаради.

“Ўзбекэнерго” АЖ ёки “Ўзтрансгаз” АЖ бир иш куни давомида Жамғарма томонидан қайташрилган маблағларга ортиқча (хато) тўланган маблағларнинг қолган қисмини қўшган ҳолда (далолатномада кўрсатилган маблағ) истеъмолчиларнинг ҳисобварагларига ўтказиб беради.

“Ўзбекэнерго” АЖ ёки “Ўзтрансгаз” АЖ ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ортиқча (хато) тўланган маблағлар истеъмолчиларнинг ҳисобварагига қайташда банклар томонидан хизмат ҳаки ундиримайди.

6². Жамғарма томонидан қайтиралидиган маблағ миқдори қуидаги формулага асосан аниқланади:

$$S_{(қайташ)} = (S_{\text{ортиқча(хато)}}) - ((S_{\text{ортиқча(хато)}}) \times 20/120) \times 10/100$$

Бунда:

$S_{(қайташ)}$ = Жамғарма томонидан қайташриб бериш лозим бўлган маблағ миқдори;

$S_{\text{ортиқча(хато)}}$ = истеъмолчи томонидан ортиқча (хато) ўтказилган маблағ;

20/120 = истеъмолчи томонидан ортиқча (хато) ўтказилган маблағда қўшимча қиймат солиғи хиссаси;

10/100 = истеъмолчи томонидан ортиқча (хато) ўтказилган маблағда Жамғарма хиссаси.”.

3. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш Жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан келишилган.

К Е Л И Ш И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари

Геология, ёқилғи-энергетика мажмуси,
кимё, нефткимё ва металлургия саноати
масалалари комплекси раҳбари
“Ўзбекнефтегаз”

Бошқарув раиси

А. Султонов

2018 йил “10” СЕНТЯБРЬ

Марказий банк раиси

М. Нурмуратов

2018 йил “10” СЕНТЯБРЬ

“Ўзбекэнерго” АЖ раиси

У. Мустафоев

2018 йил “10” СЕНТЯБРЬ

“Ўзбекнефтегаз”

бошқарув раиси биринчи ўринбосари

У. Сайдов

2018 йил “10” СЕНТЯБРЬ

“Ўзтрансгаз” АЖ раиси

Ш.Турсунов

2018 йил “10” СЕНТЯБРЬ

Мажбурий ижро бюросини
ривожлантириш жамғармаси директори

З.Иватов

2018 йил “10” СЕНТЯБРЬ

Бош прокуратура хузуридаги
Мажбурий ижро бюроси директори

Б. Кудратходжаев

2018 йил “10” СЕНТЯБРЬ

